

**Коррупцияга қарши курашиш агентлиги ходимлари томонидан  
манфаатлар тўқнашуви мавжудлиги ёки мавжуд эмаслиги тўғрисидаги  
маълумотлар декларацияланди**

Агентликда “Манфаатлар тўқнашувини бошқариш тартиби тўғрисидаги” Низом қабул қилинган бўлиб, мазкур тартибга асосан коррупциоген омилларни барвақт олдини олиш, уларни бартараф этиш мақсадида Агентликнинг барча ходимлар томонидан ҳар йили манфаатлар тўқнашуви мавжуд ёки мавжуд эмаслиги тўғрисида ариза тўлдирилиши белгилаб қўйилган.

Ушбу Низом талабларига мувофиқ Агентликнинг жами **50 та** ходимлари томонидан манфаатлар тўқнашувини тартибга солувчи аризалар тўлдирилди.

Аризалар таҳлил қилинганда манфаатлар тўқнашуви мавжудлиги ҳолатлари аниқланмади.

Манфаатлар тўқнашувини олдини олиш мақсадида мунтазам равишда профилактик суҳбат ва тушунтириш ишлари олиб борилмоқда.